

# АБУ НАСР ФОРОБИЙ ТАЛҚИНИДА ФАЛСАФИЙ-АҲЛОҚИЙ ФИКРЛАР

*University of science and technologies*  
*“Ижтимоий фанлар” кафедраси ўқитувчиси*  
*Рахимова Дилдора Абзаловна*

## **Аннотация:**

Ушбу мақолада Шарқ алломаси Абу Наср Форобийнинг фалсафий-ахлоқий фикрлари ва қарашлари, таълим-тарбия ҳақидаги фикрлари баён этилган. Бугунги педагогик жараёнларда улардан фойдаланиш муҳим ижтимоий зарурат сифатида талқин қилинган.

**Калит сўзлар:** борлиқ, тамаддун, ахлоқий тарбия, хулқ-атвор, бурч ва маъсулият, садоқат, одамийлик, фидоийлик, виждонийлик, адолат, билиш, таълимот, ўқув жараёни, маънавий-ахлоқий гоялар, инсоний хислатлар, тарбия мазмуни, тарбия усуллари, методик таъминот

## **Аннотация:**

В данной статье описаны философско-нравственные мысли и взгляды ученого Востока Абу Насра Фараби, а также его мысли об образовании. Их использование в современном педагогическом процессе интерпретируется как важная социальная необходимость.

**Ключевые слова:** существование, цивилизация, нравственное воспитание, поведение, долг и ответственность, верность, человечность, самоотверженность, добросовестность, справедливость, знания, образование, образовательный процесс, духовно-нравственные идеи, человеческие качества, содержание образования, методы воспитания, методическое обеспечение

## **Annotation:**

This article describes the philosophical and moral thoughts and views of the scholar of the East, Abu Nasr Farabi, and his thoughts on education. Their use in today's pedagogical processes is interpreted as an important social necessity.

**Keywords:** *existence, civilization, moral education, behavior, duty and responsibility, loyalty, humanity, dedication, conscientiousness, justice, knowledge, education, educational process, spiritual and moral ideas, human qualities, content of education, methods of education, methodological support*

Умуминсоний тараққиётда “Нур Шарқдандур” деган улуғ эътирофга мушарраф бўлган Шарқ тамаддуни инсон ҳаётининг туб моҳияти бўлган комилликнинг яхлит тизимини яратишга муваффақ бўлди. Маънавияти юксак, эътиқоди бутун, ақл-идроқи баланд, ниятлари эзгу, мақсадлари улуғ баркамол шахс тарбияси Шарқ тамаддунининг буюк вазифаларидан бири бўлиб келган.

Агар мозийга назар ташласак, дунёга танилган файласуф Аристотелдан кейин “иккинчи муаллим” тахаллусига эга бўлган буюк алломамиз, бобокалонимиз Абу Наср Форобийнинг Абу Наср Муҳаммад Фаробий (873-

950) фикрига кўра, инсониятнинг барча қобилиятлари икки томонга эга: туғма ирсий ва таркиб топган, бола тарбиясида ҳар иккисини эътиборга олиш зарур бўлади.

Маълумки, инсоннинг моҳияти, манфаатлари, борлиққа муносабатини муайян кадриятларга таяниб, яхлит таҳлил этиш зарурияти барча даврларда ҳам бўлган, бундан кейин ҳам давом этабери. Мен бу оламга нима учун келдим, яшашимдан мақсад нима, борлиқнинг моҳияти қандай, табиатга, жамиятга, инсонларга муносабатнинг қандай ахлоқий, ҳуқуқий мезонлари бор, деган саволларни ҳеч ким, ҳеч қачон четлаб ўта олмайди. Бу саволларга жавоб топиш жараёнида инсон кўп нарсаларни ўйлайди, фикрлайди, билимлари ва ҳаётий тажрибаси, ўтмиш сабоқлари яқунларини бир-бири билан боғлаб, маълум ижтимоий, маънавий кадриятларга таяниб ақлий таҳлил этади, ҳаётий дастур бўладиган хулосалар чиқаришга ҳаракат қилади. Бир умр бундай саволлар гирдобиди яшаб, уларга муайян маънавий кадриятларга таяниб жавоб топишга интиланган мутафаккирлар-файласуфлардир. Файласуфлар барча замонларда ҳам ўз даврининг донишмандлари ҳисобланишган.

Етук маънавият соҳиби бўлиш, донолик ва донишмандлик — биринчи навбатда инсон манфаатлари ва инсонпарварлик кадриятларига содиқ бўлишнинг белгисидир. Маънавий баркамол, чуқур билимли бўлмаган одамлардан яхши файласуфлар чиқиши ҳам қийин. Файласуфлар инсон ва олам таҳлили билан боғлиқ бўлган барча умумий хулосаларида ахлоқ, одоб мезонлари инсонпарварлик кадриятларига таянганлар. Бу муаммо устида тўхтаб, Форобий шундай деган эди: “Фалсафани ўрганишдан аввал ўзингизни ҳирс-ҳаваслардан шундай тозалангки, сизда маишат, шаҳвоният каби туйғулар эмас, балки камолотга бўлган иштиёқ-ҳавас қолсин... Бунга хулқ-ахлоқни сўздагина эмас, балки амалда такомиллаштириш орқали эришиш мумкин”.

Машҳур ватандошимиз, файласуф Азизиддин Насафий ҳам инсон моҳиятини англашнинг асосий мезони ҳақида шундай деган эди: “Эй дарвеш, сенда аввал бошдаги ва охирдаги маърифат яширинган, нимаики изласанг ўзингдан изла. Нега ташқаридан кидирасан?” Демак, инсон борлиқни ўз маънавияти, манфаати даражасига таяниб англайди ва у билан муносабатга киришади.

Форобий бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган кераксиз урфодатлардан воз кечиш, бахт-саодатга эришиш йўллари ҳақида гапириб, шундай дейди: «Бахт саодатга эришув йўлида нимаики (билим, одоб-ахлоқ, касб-ҳунар) ёрдам берса, уни мустаҳкамламок, нимаики зарарли бўлса, уни фойдали нарсага айлантиришга ҳаракат қилмок зарур».

Инсон маънавий ахлоқи тўғрисидаги таълимот – этика Форобийнинг ижтимоий таълимотида энг муҳим ва асосий ўринлардан бирини эгалайди. Форобий ахлоқ тўғрисидаги илмини анъанага асосланибгина белгиламайди. Субъектив равишда келиб чиқишни кўрсатади ва уни келтириб, чиқарган омиллар яъни инсоннинг ижтимоий моҳиятини ҳам асослашга ҳаракат қилади, инсонга билим ва тарбия бериш ижтимоий зарурат эканлигини

назарий асослайди. У инсон “ақлли мавжудот” дейилганда, унинг ақлли бўлишига лаёқатлилиги, лекин ёмон хатти-ҳаракатларга ҳам қобиллиги тушунилишини ҳам уқтириб ўтади.

Шарқ файласуфлари барча даврларда ҳам инсон аввал ўз қалбига, руҳига назар ташлаб, кейин бошқаларни, табиат ва жамиятни билишга интилиши лозим эканини кўрсатганлар. Инсон ўз-ўзини англашида ҳам шахсий маҳдудликка берилмай, муайян ахлоқий қадриятларга, ҳуқуқий мезонларга таянмоғи керак.

Фаробий талқинича, инсон дунё тарақиётининг энг мукамал ва етук якуни. Шу сабаб у ўз илмий-амалий фаолияти давомида яратган асарларида инсонга тарбия ва таълим бериш зарурияти ва бунинг учун нимага асосланиш лозимлиги, таълим-тарбия усуллари, ундан қутилган мақсад масалаларига ечим кўрсатишга асосий эътибор қаратади. Хусусан, унинг “Фозил одамлар шаҳри”, “Бахт саодатга эришув ҳақида”, “Ихсо ал улум”, “Ақл маънолари ҳақида” номли, шунингдек, юксак маънавий-ахлоқий фазилатлар кенг тадқиқу-тарғиб этилган асарларида бу каби муаммолар атрофлича таҳлил қилинади, муҳим тавсиялар илгари сурилади. Жумладан, аллома “Бахт саодатга эришув ҳақида” номли рисоласида билим моҳияти, мазмуни, уларни ўрганиш ткетма-кетлигини бирма бир санаб ўтади. Олимнинг таъкидича “Билиш зарур бўлган илм бу олам асослари ҳақидаги илмдир. Уни ўргангач, табиий илмларни, табиий жисмлар тузилишини, шаклини, осмон ҳақидаги илмларни ўрганиш лозим.

Фаробий ахлоқ тушунчасини кенг маънода талқин қилар экан, бутун инсонларни, уларнинг дини, эътиқоди, ирки, тилидан қатъий назар, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликка чақиради. Дунёда бир бутун ягона инсон жамоасини шакллантиришни ва барча фуқароларнинг манфаатларини бирдек кўзлаб фаолият кўрсата олишини орзу қилади. Фаробий билимдан маърифатли етук одамнинг образини тасвирлар экан, бундай дейди: «Ҳар кимки илм хикматни ўрганмаган деса, уни ёшлигидан бошласин, соғ – саломатлиги яхши бўлсин, яхши ахлоқ ва одоби бўлсин, сўзининг уддасидан чиқсин, ёмон ишлардан сақланган бўлсин, барча қонун – қоидаларни билсин, билимдан ва нотик бўлсин, илмли ва доно кишиларни хурмат қилсин, илм ва аҳли илмдан мол – дунёсини аямасин, барча реал моддий нарсалар тўғрисида билимга эга бўлсин». Бу фикрлардан Фаробийнинг таълим – тарбияда ёшларни мукамал инсон қилиб тарбиялашда хусусан, ақлий – ахлоқий тарбияда алоҳида эътибор берганлиги кўриниб турибди, унинг эътиқодича, билим, маърифат, албатта яхши ахлоқ билан безатмоғи лозим, акс ҳолда қутилган мақсадга эришилмайди, бола етук бўлиб етишмайди.

Ҳаётда ҳар бир шахс ўзининг хатти-ҳаракатларига, қилмишларига ўзи баҳо беришга одатланиб қолган. Бирор ишни қилишни ўз манфаатларимиздан келиб чиққан ҳолда зарур деб топдикми, уни амалга оширишга ҳақлимиз, деб ўйлаймиз. Инсон, баъзан жамиятда яшаётганини, ўзининг ҳаёти, мақсадлари, орзу-умидлари бошқаларнинг ҳам ҳаёти билан, манфаатлари билан боғлиқ эканини унутиб қўяди, хатосидан кўра ютуқларини кўпроқ кўради, ўзи ҳақидаги ҳар бир фикрни “яхши”, “адолатли”

деган нуқтадан бошлайди. Ўта ёмон жиноятлар қилган одам ҳам ўз қилмишларини оқлаш учун маънавий асос излайди. Конфуций айтганидек, “камдан-кам одам ўз хатосини виждонан англаб, уларни қоралайди”. Э. Юсупов “Одам ота-онадан туғилади, аммо унинг ахлоқ –одоб борасидаги фазилатлари жамиятда, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий муносабатлар таъсирида шаклланади”<sup>5</sup>- деб эътироф этади.

Форобий “Фозил одамлар шахри қарашлари” китобларида бундан 12 аср бурун (IX асрда), ахлоқ-одоб масаласида яхши раҳбарнинг (ҳокимнинг) одоби, бошқарувчилик хислат-фазилати қандай бўлиши кераклиги тўғрисида уқтириб ўтганлар. Мана ўша фазилатлар: “Ҳоким бўлган одам Аллоҳ амрига бўйсуниб, жамият равнақи учун одиллик билан хизмат қилиши керак. Қонунга зид ҳолатларнинг олдини олиши керак. Аҳолига ҳокимлик қилувчи шахс оқил ва дониш бўлиб, у табиатан ўн иккита хислатни ўзида бирлаштирган бўлиши зарур:

Форобий инсоннинг маънавий ҳаётида асосан, унинг икки томонига: ақли-онгига ва ахлоқига (хулқ-атвориغا) катта эътибор беради. Шунинг учун аллома фикрича, таълим-тарбия, инсонни ақлий томондан ҳам, ахлоқий томондан ҳам етук, мукамал киши қилиб етиштиришига қаратилмоғи лозим. Демак, таълим-тарбиянинг бирдан-бир вазифаси – жамият талабларига тўла тўқис жавоб бера оладиган ва уни бир бутунликда, тинчликда, фаровонликда сақлаб туриш учун хизмат қиладиган идеал инсон тайёрлашдир. Форобий таълим-тарбия жараёнини йўлга қўйиш, уни бошлашдан аввал одамларнинг шахсий хислатларини билиш лозимлигини айтади.

Демак, улуғ алломаимизнинг IX асрда берган ўғитлари, ҳозирги замонамизда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаганлигини гувоҳи бўлиб турибмиз.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ш.М.Мирзиёев.”Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз”. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2016
2. Форобий. Фозил одамлар шахри.- Форобий. Тошкент.: Янги аср авлоди, 2016
3. Форобий. Бахт-саодатга эришув ҳақида . Абу Наср Форобий. Рисолалар. Т.: Фан,1975.
4. Аль-Фараби “Социально-этические трактаты.-Алма-Ата. 1973 .
5. Э.Юсупов. “Маънавий камолот омиллари”. Т.: Университет, 1995, 3 - бет